

Ўзбекистон Президенти ёшларни ҳар томонлама рағбатлантириш таклифини билдирди



Аввало, шуни айтиш керакки, жорий йилнинг 14 сентябрь куни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари етакчиларининг навбатдаги бешинчи Маслаҳат учрашуви дўстона, очиқ ва ўзаро юқори ишонч руҳида бўлиб ўтди.

Бу борада қатор муҳим омилларни санаб ўтиш мумкин:

Биринчидан, Марказий Осиё давлатлари етакчилари ўз чиқишларида бугунги кунда минтақада турли соҳаларда ҳамкорлик алоқалари кенгайиб ижобий динамикага эга бўлаётгани ва мустаҳкамланиб бораётганини эътироф этишди. Аҳамиятлиси, интенсив ривожланаётган бундай ҳамкорлик алоқалари минтақа давлатларининг ўзаро манфаатли келишувига асосланади.

Иккинчидан, бугунги кунда Марказий Осиёда тобора шаклланиб бораётган дўстона алоқалар энг аввало, минтақа давлатлари етакчиларининг ўзаро ишончли муносабатлари ва сиёсий ироданинг мавжудлиги билан изоҳланади. Буни мазкур форматда олдинги йиллардаги бўлиб ўтган тадбирлар мисолида кўриш мумкин. Шу маънода, бешинчи Маслаҳат учрашувида Марказий Осиё давлатлари амалда кичик ўзига хос бир даврни тугатиб, янги даврга янада катта марраларга қатъият билан қадам қўйишга тайёр эканликларини кўрсатишди.

Учинчидан, муҳим жиҳатлардан яна бири, минтақа давлатлари бугунги таҳликали даврда ўзаро яхши қўшничилик аънаналарини мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатлик ва бирлашиш объектив зарурат, реал воқелик эканини билдиришди. Буни минтақада жойлашган давлатлар етакчиларининг Маслаҳат учрашуви доирасида қилган маърузаларидан сезиш қийин эмас. Бунинг натижасида Марказий Осиё мустақил ва яхлит ҳудуд сифатида шаклланмоқда.

Тўртинчидан, Марказий Осиёга нисбатан халқаро ҳамжамиятнинг ижобий муносабати шаклланмоқда. Буни ушбу Маслаҳат учрашувида БМТ ва Европа ташкилотлари вакилларининг

иштирок этгани мисолида кўриш мумкин. Шу билан бирга, БМТ Бош котиби Антонио Гутерриш мазкур саммит доирасида йўллаган видеомурожаатида бу борада жумладан, шундай деди: Марказий Осиё минтақаси бугунги кунда дунёда тинчлик ва хавфсизликдан тортиб, иқлим инқирози ва барқарор ривожланишгача бўлган бутун инсоният муаммоларига ечим излашда ҳамда ўзаро тушуниш “кўприк”ларини қуришда ноёб имкониятларга эгадир. Шунингдек, Бош котиб “ушбу учрашув минтақадаги алоқаларнинг тобора мустақамланиб бораётгани ва давлатларнинг ўзаро мулоқот ва минтақавий ҳамкорликка қатъий бел боғлаганидан далолатдир” дея таъкидлади.

Ёшлар - Марказий Осиёнинг келажаги

Мазкур Маслаҳат учрашувида минтақанинг бугунги ва эртанги ҳаёти учун муҳим масалалардан бири бўлган ёшлар масаласига ҳам эътибор қаратилди. Айтиш керакки, ёшлар Марказий Осиёнинг бугуни ва эртанги куни учун ўта долзарб аҳамиятга эга. Зеро, Марказий Осиё дунёдаги энг ёш минтақалардан бири ҳисобланади. Бу ердаги аҳолининг ўртача ёши 28,6 ёшни ташкил қилади. Шу билан бирга, ёшлар минтақа умумий аҳолисининг деярли учдан бирини ташкил қилади. Айтиш керакки, ушбу ёшлар Марказий Осиё давлатларининг мустақиллик йилларида вояга етган ёшлардир, шу боис уларнинг дунёқараши, интилишлари ва қизиқишлари ўзаро уйғун, ўхшаш.

Шу маънода, минтақа давлатлари ёшлар сиёсатининг умумий йўналишларини белгилаш, мазкур соҳада ҳам “соат миллирини тўғирлаб олиш” ва умуман Марказий Осиё ёшларини яхлит ҳолда кўриш ўта долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу тадбирда минтақа учун муҳим бўлган стратегик масалалардан бири ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор таклифларни илгари сурди.

Биринчидан, Марказий Осиё давлатлари **ёшлар сиёсатининг умумий йўналишлари тўғрисидаги битимни имзолаш**.

Иккинчидан, ёшларнинг билим ва малакасини ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш, уларни етук малакали кадрлар қилиб тайёрлаш ва бандлигини таъминлаш мақсадида шу йўналишдаги халқаро ташкилотлар иштирокида **Марказий Осиё ёшлари имкониятларини кенгайтириш ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш Марказини ташкил этиш**.

Учинчидан, Ал-Хоразмий, Форобий, Жомий, Махтумқули, Чингиз Айтматов каби буюк Марказий Осиё мутафаккирлари, олим ва файласуфлари шарафига мамлакатларимизнинг иқтидорли ёшлари учун **минтақавий илмий ва таълим грантлари ҳамда стипендиялар таъсис этиш**.

Тўртинчидан, ёш авлодни экстремистик ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида ёшларнинг радикаллашувига қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича **Минтақавий комплекс дастур ишлаб чиқиш**.

Таъкидлаш керакки, давлатимиз Раҳбари томонидан билдирилган ушбу таклифлар асосини минтақанинг кейинги ривожини фақатгина ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ҳамда энг муҳими уларни турли ёт ғоялардан асраш масалалари ташкил қилади. Шунингдек, ёшлардаги мавжуд улкан салоҳиятдан оқилона ва самарали фойдаланиш зарурлиги масаласига эътибор қаратилган.

Мазкур саммит доирасида 50 дан ортиқ, шунингдек бир вақтнинг ўзида 16 та турли тадбирлар ташкил қилинди. Булар минтақа давлатларининг турли соҳа вазирлари, маданият ва санъат намояналари, олий ўқув муассасалари ректорларининг ҳамда ёшлар масалаларига масъул ташкилотлар вакилларининг учрашувларидир. Ушбу учрашувларнинг барчасида асосий масала ёш авлодни етук, баркамол қилиб вояга етказиш, уларни бугунги кунда кузатилаётган турли таҳдид ва хавф-хатарлардан асраш масалалари марказий ўринни эгаллади. Асосий мақсад — ёшларни

бирлаштириш, улардаги салоҳиятдан ўз вақтида минтақанинг келажаги ва ривож учун самарали фойдаланишдан иборат.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев томонидан минтақа ёшларини бирлаштириш, уларнинг улкан салоҳиятидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда бунинг учун уларга зарур шарт-шароитларни яратиш хусусида ушбу форматдаги олдинги учрашувларда ҳам ташаббус билдирилган. Хусусан, мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиё давлатлари етакчиларининг биринчи Маслаҳатлашув учрашувида (15 март, 2023 йил) Ўзбекистонда **Марказий Осиё ёшлар форумини ўтказиш** ташаббусини илгари сурган эди. Ушбу форум 2018 йилнинг 26-30 июнь кунлари Ўзбекистонда илк мартаба ўтказилган.

Айтиш керакки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ёшлар сиёсатига давлат сиёсатининг ажралмас таркибий қисми сифатида ёндашув мустақамланмоқда. Хусусан, бу борада замонавий тенденция ва янги даврга ҳамоҳанг ҳуқуқий база яратилди — умумий ҳисобда мазкур йўналишда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони 60 тадан ошди. Тарихан қисқа вақт мобайнида амалга оширилган ислохотлар натижасида давлатнинг ёшларга бўлган муносабати, ёндашуви концептуал ва стратегик жиҳатдан ўзгарди.

Хусусан, мамлакатда ёшлар масаласи билан шуғулланувчи яхлит институционал тизим яратилди. Жумладан, Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги, республика даражасида Бош вазир раҳбарлигида, ҳудудларда эса ҳокимлар раислигида ёшлар масалалари бўйича Идоралараро кенгашлар фаолияти йўлга қўйилди. Жойлардаги ижро ҳокимияти ва ички ишлар органларида янги штат бирликлари – ёшлар масалалари бўйича ҳоким ўринбосари ва ички ишлар органлари бошлиғи ўринбосари лавозими жорий этилди.

Айни пайтда, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг контент таҳлили унда ёшлар ҳаёт фаолияти билан боғлиқ масалалар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий йўналишларда белгиланганини кўрсатади. Жумладан, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар мазкур стратегияда белгиланган мақсадларнинг (жами 100 та мақсад) 16% да ёки ҳар 6 тадан бир мақсадда ёшлар масаласи мавжудлигидан далолат беради. Шу билан бирга, стратегияда “ёш ва ёшлар” сўзи бошқа сўзларга қараганда кўпроқ — жами 80 мартаба ишлатилган.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз Раҳбари нафақат ички сиёсатда, балки халқаро майдонда, йирик тадбирлар минбаридан туриб ҳам ёшлар билан боғлиқ масалаларнинг жаҳон ҳамжамияти учун кечиктириб бўлмайдиган ўта долзарб эканини айтмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 72 ва 75 сессияларида, шунингдек БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги маърузаларида ёшлар масаласига алоҳида аҳамият қаратилган.

2022 йил сентябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган ШХТнинг навбатдаги саммитида мамлакатимиз Раҳбари ёшлар масаласига яна бир бор эътибор қаратди. Жумладан, радикализмнинг хавfli тенденцияга айланиб бораётган бир пайтда ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик, турли носоғлом мафкураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг ёшлар масаласига бефарқ эмаслиги ва аксинча бу борада билдириладиган ташаббуслар халқаро майдонда кенг қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради.

Саммит якунларига кўра, Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ёшларга оид сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисида битим имзоланди.

Шубҳасиз, давлатимиз раҳбари томонидан Марказий Осиё мамлакатлари етакчиларининг навбатдаги бешинчи Маслаҳат учрашувида билдирилган ташаббуслар мазкур йўналишдаги минтақавий ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади ва ёшлар масаласида ягона ёндашувларни ишлаб чиқишга замин яратади.

Зеро, ушбу ташаббуслар минтақа ҳаётида ёшларнинг ролини кучайтиришга асосланган ҳамкорликка содиқлигини ва ўзаро муносабатларнинг муҳим йўналиши эканини яна бир бор исботлади.

Шу маънода, Марказий Осиё минтақасида дўстлик ва шериклик алоқалари янги босқичда ривожланиб бораётгани ҳамда бу жараёнда минтақа ёшлари келажагига эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

Шу нуқтаи назардан, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, мазкур ташаббус ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада юксалтиришга ва минтақанинг кейинги ривожига ўз ҳиссаларини қўшиш учун имкониятдир.

А.Юсупов

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи**

Манба